



**АРАБ ТИЛИДА ШАРТ ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАПДА
ШАРТ ФЕЪЛИ ВА ЖАВОБ ФЕЪЛИНИНГ ЎЗАРО
БОҒЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ**

Рустамов Абдулазиз Эргашович

Тошкент давлат шарқшунослик университети,
катта ўқитувчиси

abdulazizrustamov161@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7416928>

ARTICLE INFO

Received: 28th November 2022

Accepted: 08th December 2022

Online: 09th December 2022

KEY WORDS

Синтаксис, наҳв, қўшма гап, шарт эргаш гап, эргаш гап (шарт), бош гап (жавоб), юклама, шарт феъли, шарт майли (жазм).

ABSTRACT

Маълумки, турли тилларда эргашган қўшма гаплар, хусусан, шарт эргаш гапли қўшма гаплар ва уларни ифодалаш воситалари айнан бир хил эмас. “Ифода воситалари” деганда, аввало, феълнинг майлларини, шунингдек, боғловчи, юкламалари ва боғловчи ўрнидаги сўзларни тўғри қўллашни тушуниш керак. Бу турдаги мураккаб гапларда морфология ҳам, синтаксис ҳам бир-бири билан чамбарчас боғланган бўлади. Араб тили флектив тил бўлгани боис, унда морфология жуда ривожланган бўлиб, у бошқа тиллардан фарқли равишда синтаксис билан тенг ҳуқуқларга эга. Мақола муаллифи Ибн Ақийл қаламига мансуб “Шарҳу Ибн Ақийл ғала алфиййати Ибн Молик” асарининг таҳлили асосида араб тилидаги шарт эргаш гапларнинг тузилиши, улардаги бош ва эргаш гапдаги феълларнинг бир-бири билан боғланиш хусусиятлари ҳамда ушбу боғланишда юкламаларининг вазифаларини очиб бермоқда.

Кириш. Ҳозирги араб тилшунослигида мумтоз араб тили синтаксиси бирликларини ўрганиш ва белгилаш асослари араб грамматик анъаналари руҳида ҳар томонлама шакллантирилди ва ривожлантирилди. Араб грамматик таълимоти муаммоларида араб тилшунослигининг муҳим тармоқларидан бири бўлган синтаксис асосий ва муҳим ўринни эгаллайди. Араб тили грамматик рисолаларида учратиш мумкин бўлган назарий қоидалар, асосан, лисоний

элементларнинг нутқда намоён бўладиган синтактик муносабатларга оид илмий мушоҳадаларни умумлаштиришдир.

Адабиётлар таҳлили ва методология. Ўрганилаётган мавзу бўйича маълумотларни бир қатор араб тилига оид манбалар ва китобларда учратиш мумкин. Мазкур ишда йирик араб, ўзбек ва рус олимларининг, хусусан, Аббас Ҳасан[1], Али ал-Жарим[2], Антуан ад-Даҳдах[3], Мустафа Ғалайийний[4], Фуад Неъмат[5], Хифни Насиф[6];



билан боғланиши 12 та ўринда юзага келади. Булар:

1) жавоб исмий жумла бўлганда. Масалан:

وإن يمسسك بخير فهو علي كل شيء قدير. سورة الانعام – 17

Агар сизга бирор хайрлик етказса, (биллингки) у ҳамма нарсага қодирдир[21, 129].

2) жавоб тусланмайдиган (яъни жомид) феъл бўлганда. Масалан:

إن ترني أنا أقل منك مالا وولدا فعسي ربي أن يؤتيني خيرا من جنتك. سورة الكهف – 39-40

Бордию мени бойлик ва фарзанд жиҳатидан ўзингдан камроқ деб билсанг, шоятки роббим менга сенинг боғингдан яхшироқ (боғ) ато этар[21, 191].

3) жавоб буйруқ феъли бўлса. Масалан: قل إن كنتم تحبون الله فاتبعوني يحببكم الله. سورة ال عمران- 31

Айтинг (эй, Муҳаммад /с.а.в./) агар Аллоҳни севсангиз, менга эргашингиз. Шунда Аллоҳ сизларни севади[21, 54].

4) жавоб шакл (лафз) ва маъно жиҳатдан ўтган замон феъли бўлса, шунда қд юкламасига зоҳиран ёки тақдиран бирикган бўлади.

Зоҳиран бирикганига қуйдаги мисолни келтирсак бўлади. Масалан:

إن يسرق فقد سرق أخ له من قبل. سورة يوسف – 77

Агар бу (Бинямин) ўғирлик қилган бўлса, (қилгандир чунки) илгари унинг акаси ҳам ўғирлик қилган эди[21, 244].

Тақдиран бирикганига қуйдаги мисолга эътиборни қаратамиз. Масалан:

إن كان قميصه قد من قبل فصدقت. سورة يوسف – 26

Агар унинг қўйлаги олди томонидан йиртилган бўлса, у (Зулайҳо) рост сўзлаган[21, 238].

Агарда қд юкламаси назарда тутилмаган бўлса, унда ўтган замон феъли келаси замон маъносини ифодалаши шарт бўлади, яъни *Агар келсанг* إن جنتي أكرمك.

Ин тжнни дейилса, гўёки إن جنتي أكرمك *деган маънода бўлади. Агарда* إن جنتي أكرمك *шаклида берилса, ушбу жумла тўғри бўлади.*

5) жавоб қд билан келган бўлиши керак. Масалан:

إن تذهب فقد أذهب *Агар босанг, эҳтимол, борарман.*

6) жавоб ма инкор юкламаси билан келган бўлиши керак. Масалан:

فإن توليتم فما سألتكم من أجر. سورة يونس – 72

Бас, агар юз ўғирсангизлар, сизлардан (мен хизматим учун) хақ сўраганим йўқ[21, 217].

7) жавоб لن инкор юкламаси билан келгани бўлиши керак. Масалан:

وما يفعلوا من خير فلن يكفروه. سورة آل عمران – 115

Нимаики яхшилик қилган бўлсалар, (унинг савобидан) маҳрум бўлмайдилар[21, 51].

8) жавоб س билан келган бўлиши керак. Масалан:

وَمَنْ يَسْتَكْفِرْ عَنْ عِبَادَتِهِ وَيَسْتَكْبِرْ فَسَيَحْشُرُهُمْ إِلَيْهِ جَمِيعًا.

سورة النساء – 172

Кимки унга банда бўлишдан ор қилса ва кибирланса, (у) уларнинг барчасини албатта ўз ҳузурига жам қилажак[21, 105].

9) жавоб سوف билан келиши керак бўлади. Масалан:

وإن خفتم عيلة فسوف يغنيكم الله من فضله. سورة التوبة – 28

Агар фақирликдан қўрқсангизлар, Аллоҳ таоло ўз фазлидан силарни тез орада бой қилади[21, 118].

10) шартнинг жавоби رُبُّ сўзи билан бошланган бўлиши керак. Масалан:

إن تجيء فريما أجيء.

Агар келсанг, эҳтимол, келаман.

11) жавоб كأنما билан бошланган бўлиши керак. Масалан:

أَنَّهُ مَنْ قَتَلَ نَفْسًا بِغَيْرِ نَفْسٍ أَوْ فَسَادٍ فِي الْأَرْضِ فَكَأَنَّمَا قَتَلَ

النَّاسَ جَمِيعًا. سورة المائدة – 32



Бирор жонни ўлдирмаган ёки ерда (бузғунчилик ва қароқчилик каби) фасод ишларни қилмаган инсонни ўлдирган одам худди ҳамма одамларни ўлдирган кабидир[21, 113].

12) жавоб шарт юкламаси билан бошланган бўлиши керак. Масалан:

وإن كان كبر عليك إعراضهم فإن استطعت أن تتبغي نفقا في سورة الانعام – 35 الارض أو سلما في السماء فتأتيهم بآية.

Агар уларнинг эътирозлари сизга оғир ботаётган бўлса, ерга тешик ёки осмонга норвон излаб (бўлса ҳам) уларга бирор мўъжиза келтира олсангиз эди[21, 131].

Агар жавоб шарт бўлишликка яроқли бўлса, у ҳолда уни фа билан боғлашнинг ҳожати йўқ. Чунки шарт билан жавобнинг ўртасида уларни фа билан боғланишдан беҳожат қиладиган лафзий муносабат бор[4, 193].

Лекин жавоб феъли бўлиши ёки бўлишсиз ҳозирги-келаси замон бўлса, у ҳолда уни фа билан боғласа ҳам, боғламаса ҳам бўлаверади.

Бироқ, кўп ҳолларда боғланмайди. Масалан:

إن تعودوا نعد.

Агар қайтсангизлар, қайтамыз.

Боғланганига мисол қуйдагича бўлади.

Масалан:

ومن عاد فينتقم الله منه. سورة المائدة-95

Кимки қайтса, Аллоҳ ундан ўч олади[21, 123].

Агарда жумла إن ёки إذا юкламаси билан бошланган бўлса, гоҳида жавоб фа сини ўрнини “тўсатдан” маъносини англатувчи إذا юкламаси босади ва жавоб إن ёки инкор юкламаси билан келмаган дарак исмий жумла бўлади. Масалан:

إن تصيهم سيئة بما قدمت ايديهم إذا هم يقنطون. سورة الروم – 36

Агар ўз қилмишлари сабабли уларга бирор ёмонлик етса, бирданига улар ноумид бўла бошлайдилар[21, 408].

إذا юкламаси билан қуйдагича бўлади, бунга қуйдаги оятни мисол килсак бўлади: Масалан:

فإذا أصاب به من يشاء من عباده إذا هم يستبشرون. سورة الروم – 48

Бас қачонки уни (ёмғирни) ўз бандаларидан хоҳлаган кишига етказганда, улар бирдан шодланиб кетурлар[21, 409].

Шарт жавобини фа билан боғлашликни Ибн Ақийл ўзининг “Шарҳу Ибн Ақийл ғала алфиййати Ибн Молик” асарида қуйдагича ёритади:

واقرن بغا حتما جوابا لو جعل شرطا لان أو غيرها، لم ينجعل[20, 522]

Яъни: Агар жавоб шарт бўла олмайдиган бўлса, уни фа билан боғлаш керак бўлади. Масалан:

إن جاء زيد فهو محسن.

Агар Зайд келса, у яхшилик қилади.

Агар жавоб буйруқ феъли бўлса ҳам худди шундай бўлади. Масалан:

إن جاء زيد فاضربه.

Агар Зайд келса, уни ургин.

Шунингдек, ما билан келган инкор (бўлишсиз) феъл бўлса ҳам. Масалан:

إن جاء زيد فما أضربه.

Агар Зайд келса, уни урмайман.

Ин билан келса ҳам худди шундай бўлади. Масалан:

إن جاء زيد فلن أضربه.

Агар Зайд келса, уни сира ҳам урмайман.

ما، لن، س، سوف، قد، юкламаларсиз келган ҳозирги-келаси замон феъли бўлса, ёки قد юкламасиз келган ўтган замон феъли бўлса, уларни фа билан боғлашлик шарт эмас. Масалан:

إن جاء زيد يجيء عمرو.

Агар Зайд келса, Амр ҳам келади.

إن جاء زيد قام عمرو.



Агар Зайд келса, Амр ҳам туради.

بالفا أو الواو والفعل من بعد الجزاء إن يقترن
[20, 522].

Агар жавобдан кейин *фа* билан ёки билан боғланган ҳозирги-келаси замон феъли келса, уни уч ҳолатда келтириш жоиз бўлади.

Масалан:

وإن تبدوا ما في أنفسكم أو تخفوه يحاسبكم به الله فيغفر لمن
يشاء. سورة البقرة – 284

Агар ичингиздаги нарсаларни ошкор қилсангиз ҳам, махфий қилсангиз ҳам, сизларни Аллоҳ ҳисоб-китоб қилади. Ва кимни хоҳласа мағфират қилади [21, 49].

Ушбу оятдаги *يَغْفِرُ* сўзини суқун, дамма (аниқлик майли), насбда (тушум) ҳолатида қилиб учала ҳолатда ўқишлик мумкин [21, 49].

أو واو ان بالجمليتين وجزم او نصب لفعل إثرفا
[20, 523]

Шарт ва жавоб феъли ўртасида *фа* ёки билан боғланган ҳозирги-келаси замон феъли келса, уни насб (тушум) ва жазм (суқун) қилиш мумкин.

Масалан:

إن يقيم زيد ويخرج خالد أكرمك

Агар Зайд турса ва Холид чиқиб кетса, сени ҳурмат қиламан.

Ушбу жумладаги *يَخْرُجُ* феъли *يَخْرُجُ* бўлиб, насб (тушум) келиши мумкин.

والشرط يعنى عن جواب قد علم والعكس قد يأتي إن المعنى
[20, 524]

Агар шартнинг жавоби тушиб қолганлиги маълум бўлиб турса, яъни уни тушуриб қолдирилганлигига далолат қиладиган бирор сўз бўлса, уни тушуриб қолдириш мумкин.

Масалан:

أنت ظالم إن جملاسي اسليدا أنت ظالم أن فعلت
فعلت فأنت ظالم

Агар қиладиган бўлсанг, сен зolim бўлиб қоласан тарзида бўлган бу ҳолат кўп учрайди.

Бунинг акси, яъни жавобини қолдириб, шартни тушириб қолдиришлик ҳам учрайди. Масалан:

[20, 524] فطلقها فلست لها بكفاء وإلا يعل مفرقك الحسام

Уни талоқ қилиб юборгин, сен уни тенги эмассан, йўқса бошинг узра қилич келгай.

Яъни бу жумла аслида қуйдаги ҳолатида бўлган: *وإلا تطلقها يعل مفرقك الحسام*.

واحدف لدي إجتماع شرط وقسم جواب ما أخرت فهو ملتزم [20, 525]

Шарт ҳам, қасам ҳам жавобни талаб қилади. Шартнинг жавоби ёки жазм *фа* билан боғланган бўлади. Қасамнинг жавоби эса, агар ҳозирги-келаси замон билан бошланган бўлишли феълий жумла бўладиган бўлса, *У ва N* билан таъкидланади.

Масалан:

والله لأضربن زيد.

Аллоҳга қасамки, Зайдни, албатта, ураман.

Агар ўтган замон бўлса, *У ва Q* билан бирикиб келади. Масалан:

والله لقد قام زيد.

Аллоҳга қасамки, ҳақиқатдан, Зайд туради.

Агар исмий жумла бўладиган бўлса, *Ин ва L* билан ёки *L* ўзи билан ёки *Ин* ўзи билан келади. Масалан:

والله إن زيدا لقائم.

Аллоҳга қасамки, албатта, Зайд тураяди.

والله لزيد قائم.

Аллоҳга қасамки, албатта, Зайд тураяди.

والله إن زيدا قائم.

Аллоҳга қасамки, албатта, Зайд тураяди.



Агар қасамнинг жавоби бўлишсиз феълий жумла бўладиган бўлса, феълнинг бўлишсизлиги ما ةكي لا ةхуд ин юкламалари билан амалга оширилади. Масалан:

والله ما يقوم زيد، والله لا يقوم زيد، والله إن يقوم زيد

Агар шарт билан қасам бир жойда келиб қоладиган бўлса, аввалгисининг жавоби борлиги учун кейингисини жавоби тушириб қолдирилади. Масалан:

إن قام زيد والله يقم عمرو.

Агар Зайд турса Аллоҳга қасамки Амр ҳам туради.

Буни акси ҳам бўлиши мумкин. Масалан: [20, 525].

Аллоҳга қасамки агар Зайд турадиган бўлса, Амр ҳам туради.

Юқоридагидек шарт ва қасамдан олдин исмий гапнинг эгаси келмаганида ва шартдан олдин қасам келган пайтда, қасамга эмас, шартга жавоб берилиш камдан кам учрайди. Масалан:

لئن منيت بنا عن غب معركة لا تلفنا عن دماء القوم [20, 525]

Агар урушдан кейин бизларни қай ҳолатда эканлигимиз билан қизиқсанг, бизларни ҳали қавм қонидан қутулмаганимизни кўрасан (яъни бизларда қавмимизнинг алами ҳали ҳам борлигини кўрасан).

لئن даги ل тушириб қолдирилган қасам борлигини билдиради. إن шарт жавоби эса تلفنا لا бўлиб, у жазм (сукун)да турибди, қасамга жавоб берилмади. Шартнинг жавоби борлиги учун унинг жавоби туширилиб қолдирилган. Агар одатга кўра, яъни қасам олдин келгани учун қасамга жавоб берилганида لا تلفنا деб феъл рафда (аниқ майлида) қасамнинг жавоби бўлиб келтириларди. Агарда шарт юкламаларининг биридан сўнг бирор исм келса, у ерда бирон бир

феъл мавжуд бўлгани назарда тутилади. Масалан:

وإن أحد من المشركين إستجارك فأجره. سورة التوبة – 6

Агар мушриклардан бирортаси сиздан ҳимоя сўраса, бас уни ҳимоянгизга олинг[21, 187].

Бу жумлада أحد тушиб қолдирилган феълнинг, яъни иш-ҳаракатнинг бажарувчисидир. Ўша феъл шарт феълидир. Келтирилган إستجارك сўзи тушириб қолдирилган феълни шархламоқда. Бу ерда إستجارك аниқлик майлидаги феъли, буйруқ ва сўроқ юкламаларидан ҳоли бўлган феъл назарда тутилмоқда, فأجره буйруқ майли шаклида келиб, маъно жиҳатидан бош гапнинг жавоби бўлиб келмоқда.

ХУЛОСА. Шундай қилиб, ўрганилган масала бўйича қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Араб тилида феълнинг шарт майли ва унинг хусусиятлари масаласи “*جزم الفعل*” (феълнинг сукунда келиши ва унинг сукундаги ўринлари) мавзусида ўрганилади. Шарт эргаш гапли қўшма гапларда аксарият ҳолатларда эргаш гап бош гапдан олдин келади. Бундай жумлалар икки қисмдан иборат бўлиб, الجواب (яъни шарт эргаш гап) ва الشرط (яъни бош гап) таркибида ташкил топади. Шарт эргаш гапдаги феъл шарт феъли (فعل الشرط), бош гапдаги феъл унинг жавоби (جوابه / جواب الشرط) терминлари билан белгиланади.

2. Араб тилидаги шарт эргаш гапли қўшма гапларда бош ва эргаш гапдаги феълларнинг бир-бири билан боғланиши бевосита феълнинг шарт майли (жазм)да ўқилишига сабаб бўладиган 16 та юклама билан боғлиқ. Ушбу юкламаларнинг барчаси ҳам шарт маъносини ифодаламайди: 4 та юклама – لم ، لا ، لام –



феълни жазмда келишини талаб қилади, лекин шарт маъносини англатмайди. Қолган 12 та юкламалар ўзидан кейин иккита феълни жазмда келишини талаб қилади ва шарт маъносини англатади. Қоидага мувофиқ, шарт маъносида келган феъл тусланадиган, аниқлиқ майли шаклидаги ҳамда $سوف$ $ما$ $لن$, $قد$ юкламаларидан холи феъл бўлади.

3. Бош ва эргаш гапдаги феъллар (яъни шарт ва жавоб)нинг бир-бири билан боғланиши $فا$ юкламаси орқали 12 ҳолат (ўрин)да кузатилади: жавоб (яъни бош гап) – 1) исмий жумла, 2) ўзгармас (жомид) феъли, 3) буйруқ феъли, 4) лафз ва маъно жиҳатдан ўтган замон

феъли ва $قد$ юкламаси билан бириккан ҳолатда, 5) $قد$ юкламаси, 6) $ما$ инкор юкламаси, 7) $لن$ инкор юкламаси, 8) $س$ юкламаси, 9) $سوف$ юкламаси, 10) $رُبَّ$ сўзи, 11) $كأنما$ боғловчи сўз ва 12) шарт юкламаси билан ифодаланганда.

$إن$ юкламаси бирор иш-ҳаракатнинг рўй беришига шубҳа қилинганда, $إذا$ эса иш-ҳаракатининг рўй бериши ҳақиқатга яқин бўлганда ишлатилади. Гап $إن$ ёки $إذا$ юкламаси билан бошланган бўлса, баъзиларда жавоб $فا$ юкламасининг ўрнини “тўсатдан” маъносини англатувчи $إذا$ босади ва жавоб $إن$ ёки инкор юкламаси билан келмаган дарак исмий жумла билан ифодаланади.

References:

1. عباس حسن. النحو الوافي. الجزء الرابع. القاهرة: دار المعارف، 1967.
2. علي الجارم، مصطفى أمين. النحو الواضح. الجزء الثاني. – مصر، القاهرة: دار المعارف، 1983.
3. أنطوان الدحداح. معجم قواعد اللغة العربية. – بيروت، 1992.
4. الشيخ مصطفى الغلايني. جامع الدروس العربية. بيروت، 1997.
5. فؤاد نعمة. ملخص قواعد اللغة العربية. – مصر: نهضة مصر، 2002.
6. حفني ناصف، محمد دياب، مصطفى طوموم، محمد صالح. الدروس النحوية. – مصر، الإسكندرية: دار العقيدة، 2007.
7. Халидов Б.З. Учебник арабского языка. – Т., 1992.
8. Талабов Э. Араб тили дарслиги. – Т., 1993.
9. Иброҳимов Н., Юсупов М. Араб тили грамматикаси. – Т., 1997.
10. Ҳикматов А. Араб тили грамматикасидан сабоқлар. – Т., 2002.
11. Бекпулат С. Наҳв асослари. – Т., 2005.
12. Абдужабборов А. Араб тили дарслиги. – Т., 2007.
13. Ҳасанов М. Араб тили дарслари. – Т., 2016.
14. Гранде Б.М. Курс арабской грамматики в сравнительно-историческом освещении. – М., 2001
15. Габучян Г.М. Теория артикля и проблемы арабского синтаксиса. – М., 1972
16. Бобылева Э.П. Арабский язык в синтаксических конструкциях. – М., 2001
17. Юшманов Н.В. Грамматика литературного арабского языка. – М., 1985
18. Шагаль В.Э., Мерекин Н.М., Забиров Ф.С. Учебник арабского языка. – М., 1993



19. Лебедев В.Г., Тюрева Л.С. Практический курс арабского литературного языка. В 2-х ч. Ч.2. Нормативный курс. – М., 2005.
20. بهاء الدين عبد الله ابن عقيل العقيل الهمداني المصري. شرح ابن عقيل علي الفية ابن مالك. – القاهرة: مكتبة دار التراث، 2005.
21. Абдулазиз Мансур. Куръони карим маъноларининг таржимаси. – Т., 2001.